



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

www.uzas.uz

2017-yil 17-noyabr №47 (4445)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ БАКАЛАВРИАТИГА КИРИШ ТЕСТ СИНОВЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика олий таълим муассасаларида ўқув жараёни тартибини такомиллаштириш, ёшларга замонавий талаблар асосида таълим бериш бугунги куннинг асосий масалаларидан биридир. Бу борада олий таълим муассасаларида кириш тест синовларини адолатли, ҳолис ва шаффоф ўтказиш орқали пухта билимли ёшларнинг ўқишга қабул қилинишини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Лекин бугунги кунда тест синовлари орқали олий таълим муассасалари бакалавриятига талабаларини қабул қилишда бир қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, кейинги йилларда тест синовларини ўтказиш тартиб-қоидалари, тест синовлари натижаларини эълон қилиш ва уни такомиллаштириш борасидаги олиб борилаётган ишлар бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб бера олмапти. Бу ҳол манфаатдор жамоатчиликнинг, айниқса, ота-оналарнинг тест синовларини ўтказиш жараёنларига ҳақли равишдаги эътирозларини келтириб чиқармоқда ва ҳар йили уларнинг ушбу масала юзасидан қарийб 4 мингдан зиёд асосли мурожаатлари келиб тушмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кириш тест синовлари топшириқлари ва уни ўтказиш талаблари қобилиятли ёшларни олий таълимга қабул қилиш мезонларига тўла жавоб бермайди. Айниқса, ижодкорлик ва индивидуал маҳоратни талаб этадиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусикий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига иқтидорли ёшлар ўрнига, ушбу соҳаларда етарли иқтидорга эга бўлмаган ёшлар тест синовлари орқали ўқишга қабул қилинмоқда.

Республика олий таълим муассасаларида кириш учун тест синовларини ўтказишнинг моддий-техник таъминоти билан боғлиқ масалаларни ҳам бутунлай қайтадан кўриб чиқиш тақозо этилмоқда. Зеро, бугунги кунда тест синовлари натижалари 2000 йилда харид қилинган 4 та оптик сканер орқали чиқарилиши, тест материалларини чоп этишга мўлжалланган офис техникаси (принтер ва компьютерлар) маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскириб кетганлиги оқибатида тест синовлари натижалари қарийб 15-20 кунга чўзилиб эълон қилиниши бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тармоқларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш учун олий таълим муассасаларининг бакалавриятига қабул қилиш бўйича ўтказиладиган кириш тест синовларини такомиллаштириш, унинг адолатли, ҳолис ва шаффоф ўтказилишини ташкил этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади)нинг олий таълим муассасалари бакалавриятига ўқишга қабул қилиш (кейинги ўринларда олий таълим муассасасига қабул қилиш деб аталади) бўйича кириш тест синовларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш юзасидан қуйидагиларни назарда тутувчи тақдирларни маъқулланган:

2018/2019 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасасига қабул қилиш бўйича кириш тест синовларини 1 августдан 15 августгача бўлган даврда ўтказиш; кириш тест синовлари натижаларини тест ўтказилган

куннинг эртасига Давлат тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилиш;

абитуриентдан алоҳида иқтидор талаб этиладиган маданият, санъат, дизайн, тасвирий ва амалий санъат, санъатшунослик, мусикий таълим, спорт ва жисмоний тарбия соҳасидаги таълим йўналишларига қабул қилишни кириш тест синовларисиз, ижодий имтиҳонлар орқали амалга ошириш.

2. Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳамда тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирликлар ва идоралар 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасасига ўқишга қабул қилиш бўйича кириш тест синовлари Тошкент шаҳрида "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар мажмуаси павильонлари ҳамда унинг ҳудудида ўрнатиладиган қўшимча йўзма павильонларда, шунингдек, катта сийғимдаги бошқа биноларда, вилоят марказларидаги Олимпия заҳиралари коллежлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сийғимдаги биноларида ўтказилишини, тест жараёнининг максимал даражада ошқора ва шаффофлигини таъминлаб, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовларини онлайн режимида кузатиб боришларига имконият яратилишини таъминласинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

тест синовлари ўтказиладиган бино ва павильонларни зарур мебеллар (стол, стул, доска ва бошқа зарур воситалар) билан жиҳозланишини;

Давлат тест марказининг ҳудудий вакиллари учун зарур моддий-техник воситалар билан тўлиқ жиҳозланган алоҳида хона ажратилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда катта сийғимдаги биноларни тест синови жараёнини видеокузатувлар орқали онлайн тизимида кўрсатиб ўтказиш учун зарур моддий-техник воситалар билан тўлиқ жиҳозланишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги: тест материалларини тайёрлаш ва тест синовлари натижалари ўз вақтида эълон қилинишини таъминлаш мақсадида Давлат тест марказига замонавий моддий-техник воситалар ва жиҳозлар харид қилиш учун 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан зарур маблағлар ажратилишини назарда тутсин;

Давлат тест марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳамда олий таълим муассасаларининг оширилган тўлов-контракт тушумлари (5 фоизгача миқдорда) ҳисобига бир ой муддатда Давлат тест маркази ҳузурида Давлат тест маркази фаолиятини ривожлантириш жамғармасини ташкил этсин. Бунда Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилиши белгилаб қўйилсин:

Давлат тест марказининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

хорижий давлатларнинг ўқув ва илмий муассасаларида Давлат тест маркази ходимларининг малакасини ошириш;

Давлат тест маркази ходимларини моддий рағбатлантириш.

Давоми иккинчи саҳифада.

Иброҳим ҒАҒУРОВ таваллудининг 80 йиллигига СЎЗГА САДОҚАТ

Атоқли мунаққид, таржимон ва адиб Иброҳим Ғафуров миллий адабиётимизда муносиб ўрнига эга ижодкорлардан. У адабиётимиз тараққиётига қизғин ижодий ишлари билан сезиларли ҳисса қўшди. И.Ғафуров адабий танқидчилигимизда ўзига хос фикрлаш тарзи, услуби билан алоҳида ажралиб туради.

Ўтган асрнинг етмишинчи-саксонинчи йилларини танқидчиликда, ҳеч муболағасиз, Иброҳим Ғафуров даври дейишга ҳақлимиз. У чинакам фидойи ижодкор сифатида адабиётимизда пайдо бўлган ҳар бир, халқ таъбири билан айтганда, пичоққа илинадиган асарни таҳлил қилиб, ўз муносабатини билдириб борди ва адабий танқидчиликда йирик сиймога айланди.

И.Ғафуров бадий таржима соҳасида катта ишларни бажарди. У ўзбек китобхонини дунё адабиётининг Жойс, Достоевский, Хемингуэй, Фолкнер, Флобер, Маркес, Айтматов каби сўз санъаткорларининг дурдона асарлари билан таништирди. Заҳматкаш таржимон таржима учун асар танлаганда, албатта, ўзбек адабиётини бойитадиган ижод намуналарини танлади. Бу, шубҳасиз, энг тўғри ижодий йўлдир.

Иброҳим Ғафуров адабиётимизда янги жанр — мансура жанрини яратди. Мансура мансур шеърдан жиддий

фарқланади. Бу жанрнинг имконияти анча кенг. Мансурада ҳажми ҳикояга тенг асарлар ҳам ёзиш мумкин. Лекин бир муҳим шарт бор: унда фикр оқими, мусиқаси узилмаслиги керак. Мансура шеър каби ўқилиши лозим.

Адибимиз фақат мақолалар, мансуралар битиш, таржималар қилиш билан кифояланиб қолгани йўқ. Устоз адиб ва журналист ношир сифатида ҳам кўп савобли ишларнинг бошида турди. Янги китоб сериялари ташкил қилди, янги-янги мазмундор китобларнинг дунё юзини кўришида ғайратини аямади, кўплаб ёш қаламкашларнинг оёққа туриб олишида ғамхўрлик кўрсатди. Шу туфайли маърифатли ношир, меҳрибон устоз сифатида ҳурмат қозонди.

Адабиёт газетамизда кўп йиллар ишлаб, ортидан нури ишлар қолдирди. И.Ғафуров билан бирга ишлаган ижодкорлар у кишини ўз вазифасини ҳалол, сидқидилдан, виждонан бажарган профессионал, барикенг инсон.



деб биладилар. Билимдон муҳаррир редакцияда ишлаган пайтлари "Ўзбекистон адабиёти ва санъати"нинг барча сонларига (чиқиш олдидан) имзо чеккан. У — журналистика соҳасида ҳаммага ўрнак бўлиб ишлаган эди. Бу жиҳатдан ҳам Иброҳим ака барчамизга ибрат ва ўрнак бўлиб қолди.

Бугун кўтлуг 80 ёшини қарши олаётган атоқли адибимиз — Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Ғафуров айни кунларда янада куч-ғайратга тўлиб янги-янги ижодий ишлар билан банд. Биз устоз мураббий, адабиётшунос олим, адиб, таржимон, муҳаррир ва публицист Иброҳим акага мустаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқлар тилаймиз.

➔ 4

БУНДА БУЛБУЛ КИТОБ ЎҚИЙДИ

Болалик чоғларимни жуда кўп эслайман. Айниқса, мактаб, устозлар сабоқлари, синфдошлар билан бирор китоб юзасидан бўлиб ўтган баҳсу мунозараларнинг завқи бўлакча бўларди. Адабиёт фанидан дарс берган ўқитувчиларим Баҳринос опа ва Халил аканинг бадий асарларини ифодали ўқишларига ҳавасим келарди. Отам раҳматли ҳам негизда кўпроқ шу устозлардан фанларни қандай ўзлаштираётганим ҳақида сўраб эдилар.

Адабиётга, китобга муҳаббати банд бўлсин дебми ёки ўзларининг мутлоага эътиборлари юксак бўлгани учунми уйимизга кўп китоб, газеталар, журналлар олиб келардилар. Жаҳон ва ўзбек халқ эртаклари тўпламлари, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Бобораҳим Машраб каби мумтоз адабиётимизнинг юксак намояндалари ҳамда ёнимиздан оқиб ўтган муаззам дарёлар — замондошларимиз Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ўлмас Умарбеков, Одил Ёқубов, Шукр Холмирзаев каби ижодкорлар асарлари ҳозир ҳам шахсий кутубхонамнинг беэгаи десам бўлади. Бу китоблар кўнглимнинг, қалбимнинг азиз суҳбатдошлари, йўлбошчиларидир. Отам адиблар, шоирлар, санъаткорлар билан учрашиб улар билан суҳбатлар қилгани ҳақида гапириб берарди. Бизга айтиб берган бир воқеа эса асло эсимдан чиқмайди. Уни отамнинг тилидан ҳикоя қилиб беришни ўрнили деб билдим.

"Китоб туманида катта стадион бор. Ана шу катта майдонда Абдулла Орипов билан учрашув бўлиб ўтди. Стадион адабиёт мухбирлари, шеърят шайдолари, Абдулла Ориповнинг чинакам мухлислари билан тўла. Шоир шеър ўқияпти. Унинг ўқташ овози юракларни ларзага келтирмоқда. Ҳамнинг вужуди қулоққа айланган. Бу нури овозининг ҳарорати дилларни тўлқинлантирмоқда. Шоир шеър ўқийди, ammo сўзга ташна кўнглилар тўймайди. Ушбу учрашув анча узоқ давом этди. Кейин одамлар шоирдан дастхат ола бошлади. Менинг ҳам қўлимда улуг сўз соҳибининг китоби бор эди. Ийгирма дақиқалардан сўнг менга навбат келди. Абдулла ака дастхат қўйиб бўлган қўлларимни сиқиб "раҳмат" деб қўйди. Биз шоирлардан дастхат олиш учун навбатда турганмизда, ўғлим. Уларнинг асарлари кўнглини тарбиялайди. Руҳиятни поклайди. Бу тарбия жуда муҳим. Ана шундай тарбиядан баҳраманд диллар элнинг, юртининг қорига ярайдиган фидойи, мард-ҳалол кишилар бўлишди.

Илоҳим, Оллоҳ илмларингизни зиёда қилсин".

Мен отам айтган бу воқеани шунчаки эслаганим йўқ. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев китоб тарғиботи, китобхонлик маданияти ҳақида такрор-такрор сўз юритмоқдалар, таъбир жоиз бўлса, ушбу эзгу ишларда барчамизни ҳаммаслақ бўлишга даъват этмоқдалар. Бу борадаги муҳим давлат ҳужжатларининг қабул қилинаётгани эса ишлар қўламининг янада жадаллашувига хизмат қилмоқда. Ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган ижодкорларнинг таваллуд саналари нишонланмоқда. Уларга ёдгорликлар ўрнатилмоқда. Уй музейлари

Она юртим — олтин бешигим

ташкил этилмоқда. Хиёбонлар барпо қилинмоқда. Энг эътиборли жиҳати, ижод аҳлининг номлари билан аталувчи ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган мактаб-интернатлари фаолияти йўлга қўйилаётгани киши қувончига қувонч қўшмоқда. Кейинги бир йил мобайнида Наманган вилоятида Исҳоқхон Ибрат, Фарғона вилоятида Эркин Воҳидов, Қашқадарё вилоятида Абдулла Орипов, Қорақалпоғистон Республикасида Иброҳим Юсупов, Андижон вилоятида Мухаммад Юсуф, Жиззах вилоятида Ҳамид Олимжон ва Зулфия мактаблари ўз фаолиятини бошлади. Шубҳасиз, бу каби хайрли ишларни юртимизда адабиётга ва унинг яратувчиларига катта эътибор, халқимизнинг ардоқли фарзандларига кўрсатилаётган юксак эҳтиром намунаси сифатида баҳолаш керак бўлади. Мамлакатимиз раҳбари атоқли давлат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун Жиззах вилоятига ташириб буюрган пайтларидея ижод мактабларини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ихтиёрига бериш ҳақида сўзладилар. Рост гап, бу барча ижод-

корларни бирдек ҳаяжонлантириб юборди. Ахир, ижод мактаблари чин маънода тилимизни, сўзимизни, улуг аждодларимиздан мерос бўлиб келаятган адабиётимизни чуқур англайди-ган, шунингдек, уни бутун оламга тарғиб қиладиган авлодчи тарбия қиладиган муқаддас даргоҳ бўлади. Давлатимиз раҳбари Шароф Рашидов ҳайкалининг оқилишига бағишланган тантанали маросимда элимизнинг суякли фарзандлари Ҳамид Олимжон ва Зулфияхоним хотирасига атаб қўйилган муаззам ҳайкал, хиёбон, музей ва ижод мактаби ўз ишини бошлаганини айта туриб: "...Фарзандларимизни, айниқса, қизларимизни мана шундай гўзал масканларга кўпроқ олиб келсак, уларни адабиёт ва санъатнинг сирли дунёси билан ошно этсак, ўйлайманки, нур устига нур бўлади", дея алоҳида таъкидладилар. Назаримда, бу сўзлар ҳудудларимизда фаолият бошлаган барча ижод мактаблари учун бирдек тааллуқлидир.

Яна бир гап, Ўзбекистон Бадий академияси қошидаги ихтисослаштирилган санъат мактабларига устозларимиз билан бирга учрашувларга, турли хил адабий кечаларга борган чоғимизда қанийди. Ёзувчилар уюшмаси қошида ҳам шунга ўхшаш мактаблар бўлса, у мактабларда элнинг меҳрига, муҳаббатига сазовор бўлган катта-катта сўз соҳиблари учрашувлар ўтказишса, ўқувчиларга сабоқлар беришса деган покиза орзулар кўнглимиздан кечган. Бугун ана шу орзуларимиз мухтарам Юртбошимизнинг саяё-ҳаракатлари ва ташаббуслари билан амалга ошмоқда. Эътироф билан айтиш жоиз, бундай хайрли ишлар Чўлпон бобомизнинг адабиёт яшаса миллат яшайди, деган фикрларига жуда-жуда ҳамоҳанг.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ўзбек тили ва адабиётини чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган мактаб-интернатларнинг Ёзувчилар уюшмаси ихтиёрига берилишининг кўзда тутилгани келгусида адабиётни, санъатни теран тушунадиган авлод воёга етишишига хизмат қилади. Ижод мактаблари халқимизга ўзбек адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшади деган янги бир тўлқинни — шоир ёзувчиларни, юрту миллат фидойиларини ҳам беради.

Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
раисининг ўринбосари

НОН, НОВВОЙ ВА АДАБИЁТ

Газетамиз муаллифлари орасида мамлакатимизнинг олис ва яқин ҳудудларидаги муштарийларимиз ҳам кўпчиликни ташкил этади. Лекин "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига қарийб қирқ йилдан буён мунтазам обуна бўлиб қалаётган садоқатли ўқувчиларимиз ҳар кун

учрашмаслиги ҳам рост. Яқинда шундай муаллифлардан бири Меликхон Нўмонхон ўғли бизни Самарқанддан йўқлаб келди. Асл касби новвой бўлишига қарамай, Мелик аканинг адабиётга, айниқса, шеърятга ҳавасмандлигини кўриб у кишини суҳбатга тортдик.

— Эрта тонгда уйғониб, тандирда пишаётган нон исини туйиш мен учун қанчалар табиий ва ёқимли бўлса, ҳар жума севимли газетамнинг янги сонини қўлимга олиб, мутлола қилиш ҳам шундай мароқли, — дейди Мелик ака ҳақиқий газетхонларга хос завқ билан. — Билисизми, йиллар ўтиши билан баъзи ишлар одамга малол келиши мумкин, лекин китоб, газета ўқишга қизиқиш барибир сўнмас экан. Аксинча, вақт ўтган сари бу машғулот маънавий, руҳий камолот учун муҳимлигини англаб боравераркансан.

— Газетамизга биринчи бор обуна бўлганингизни эслай оласизми?

— Бўлмасам-чи! Ўша пайтда олтинчи синфда ўқирдим. Адабиёт муаллимамиз шеърини машқларимни ўқиб чиқиб: "Агар шеърятни яхши кўрсанг, сени Адабиёт газетасига обуна қиламиз", дегани ҳамон ёдимда. Мақтанаяпти деб ўйламангу, шундан буён газетамга ҳар йили обуна бўлман. Бу мен учун шунчаки одат эмас, маънавий эҳтиёжга айланган. Баъзи дўстларим "Новвойга газета ўқишнинг нима кераги бор" деган пайтлари ҳам бўлган. Аммо барибир обуна бўлишда давом этавердим. Буни кўрган ўша дўстларим ҳам адабиёт газетасини ўқийдиган бўлишди.

Давоми олтинчи саҳифада.



Захириддин Мухаммад Бобурнинг давлатчилик сиёсатида, юртни, салтанатни бошқариш ишларида ҳамиша маслаҳат орқали, олим, фозил, оддий кишилар билан барча ишларни кенгашиб юритиш тартиби изчил амал қилинган. У умрининг охирироғида, аниқроғи, 1528 йили фарзанди Ҳумоюн мирзога ёзган мактубида, шахзода Комрон мирзога ёзган васиятномасида салтанатни юритишда салтанат вакиллари халқнинг ҳам истакларини сабр-тоқат билан эшитиши, улар фикрини ўзининг ақл-заковати билан таҳлил этиб иш қилиши лозимлигини алоҳида таъкидлаган. Айниқса, “...туркий улуснинг оталари ота-оналаримизга хизмат қилиб, жон тортиб иссиғ-совуқда, сафар ва ҳазарда ...хизмати шониста қилиб келтирибтурлар, ул элдин имтиҳон қилиб, эшигинга йўл бериб, вакили мутлақ этиб кичик ёшлиқ эрса алардин кегаш сўруб, маслиҳат тилаб, аларнинг сўзи била амал қилиб асло ва мутлақо ҳеч муҳимга иштиғол қилмагайсан(бошқа ишга вақт сарфламагайсан)” дейиши фикримизга далил бўла олади.

Бобур шахзода ўғлига насихатини давом эттириб, қўйдагиларни ило-ва қилади: “Тақи Мовароунаҳр эли бисёр соддалавҳ элдулар. Ҳар неча бекобилият эрсалар, аларга эътиمود қилса бўлур... Ул силсиланинг мурид ва асҳоби подшоҳзода деб сенга келсалар, зинҳор икром ва эъзоларини маръий тутуб аларнинг борасида тах-сис қилмагайсен... Элдин яхши сўзун-гини айтиб, мукаммал бўлуб, истеъ-доди тамом била мутаважжих бўлгай-сен”.

Шу тарика Бобур эл дардини сўраш, гарчи давлат ишлари билан жуда банд бўлган тақдирда ҳам, одамларнинг жамиятдаги мавқеи қарамасдан уларнинг дардларини тинглаш, муш-қулларини осон қилишни фарзандига ўқтирган. Унинг давлатчилик сиёсати-да, ҳатто кичик масала бўлса-да, од-дий одамлар фикрига, ҳаётий тажри-басига таяниб бир қарорга келгани борасида “Бобурнома”да кўпгина ми-солларга гувоҳ бўламиз.

Бобур ўз фарзандларига, айниқса, умрининг охириги йилларида, давлат-ни бошқаришда ҳамиша халқ билан ҳамфикр бўлишни — “эл биле ихти-лот қилиб туриш”ни қайта-қайта таъ-кидлаган. Салтанат девонидаги киши-ларнинг шахсияти пок бўлиши, улар ҳеч қачон хиёнатга йўл тутмасликлари, ҳамиша бамаслаҳат иш қўришла-ри ва юрт манфаатига хизмат қилиш-ларини асарларида ҳам, фарзандла-рига ёзган васиятнома ва мактубла-рида ҳам ўқитрган. Ҳусусан, тўнғич ўғли — тахт вориси Ҳумоюннинг ука-

лари билан, давлат, юрт манфаатини кўзда тутган ҳолда, салтанат ишлари-ни юритишини маслаҳат беради. У Ҳумоюнга салтанатни машварат ор-

«Элдин яхши сўзунгни айтиб...»



қали бошқариш лозим-лигини таъкидлар экан, бу ишда хусуматга йўл қўймаслигини, азму ши-жоатли, узокни кўра оладиган беклар ва аъёнларга таяниши, уларни тез-тез машва-ратга чақириб туриш-ни тайинлайди: “Яна улуг иш устида борсен, раъй ва тadbирлик бек-лар билан кенгашиб, аларнинг сўзи билан амал қилгайсен. Агар менинг ризомни тилар-сен, хилватничилиқни ва эл била кам ихтилот-лиқни бартараф қил-ил. Кунда бир-икки навбат инингни ва бекларни ихтиёрларига қўймай, қошига чарлаб, ҳар маслаҳат бўлса кенгашиб, бу давлатхоҳлар иттифоқи бирла ҳар сўз ва унга қарор бергай-сен”.

Бошқа бир ўринда Бобур Ҳумоюнга мурожаат этиб, кичик ўғли Комрон мирзо билан бамаслаҳат иш қўргани, унга меҳрибонлик қўрсатганини олқ-ишлаб, барча эл — салтанат фуқаро-

ларидан беклар, аъёнлар ва темурий-зодалар билан ҳам кенгашиб туриш-ни, шундан кейингина аниқ, пухта қарорга келиб салтанатни бошқариши маъқуллигини айтади. Дарҳақиқат, бо-бурийлар салтанатида эл билан муло-қот, маслаҳат ва машварат орқали дав-латдорлик қилиш тартиби жорий этил-ган. Эҳтимол, ана шу хусусият ҳам бо-бурийларнинг Ҳиндистон ўлкасида 332 йил ҳукмронлик қилиб, бу ўлкани кўп офатлардан асраб қолишга, тараққи-ёт сари дадил қадам ташлаб юксали-шига асос бўлгандир. Бобур ўғли Ҳумо-юнга мактубида ёзади: “Турк улуси-нинг... хизмати шониста, панд-насиҳат-лари жўялик. Ёшлари кичик бўлса улар билан ҳам кенгашиб, маслаҳатларига амал қилиб, номатлуб ишларда ишти-рок этмагайсен. Мулоҳазакор беклар

даги кишиларнинг маслаҳатларини сабр билан эшитар, агар уларнинг маслаҳати муҳим бўлса, уни ким ай-тишдан қатъий назар, қабул қилар, акс ҳолда, ўзининг бу борадаги қарашларини маъқул билар эди. То-ғаси Али Дўст ҳақида кўп кишилар унинг жуда яхши сарбоз экани, қилич тутишга моҳирлиги, Умар Шайх мир-зонинг саройида муносиб ўрни бўлган-ни каби ижобий жиҳатларини айтиб, Бобур салтанатидан муносиб ўрнини топишга тарафдорлик қилардилар. Бобур бу маслаҳатларга танқидий қараб, Али Дўста салтанатидан кан-дай мансабни раво қўриш, умуман, уни салтанатида қолдириш ёки қол-дирмаслик ҳақида ўйлаб қўради ва “Бобурнома”да ёзади: “Яна бир Али Дўст тағойи эрди. Менинг онамнинг

ти, бошқа аскарлардан кўра ўз зим-масидаги вазифани аъло даражада уддалаши, фидойилигини Бобур бо-шқалардан эшитиб эмас, балки шах-

Камина етти йил хизмат вазифаси билан Афғонистоннинг турли вилоятлари, жумладан, Ғазни шахрида ҳам бўлганимда Султон Ғазнавий мақ-бараси зиёрати пайтида мақбара эшигининг ёнгинасида кичкина бир сағанага кўзим тушди. Бизга ҳамроҳлик қилаётган афгон қадимшунос-ларидан бу кимнинг қабри, деб сўраганимда у: “Бобуршоҳ бир вақт-лар ўзининг бир аскарини олиб келиб шу ерда дафн этган экан, исмини билмадик” деган эди. Энди “Бобурнома”даги маълумот унинг оддий аскар, кейин Бобурнинг беги бўлган Дўстбек экани маълум бўлди. Бундай мисолларни “Бобурнома”дан кўплаб келтириш мумкин.

сан бу қаҳрамоннинг ўзи билан суҳ-батлашиб, ишонч ҳосил қилади. Бун-дай мулоқотлар ҳақидаги маълумот-ларнинг бир нечасини “Бобурнома” саҳифаларида ўқиймиз, уларнинг ак-

Маҳмуд Ғазнавий қабри-зиёратгоҳи ёнида дафн этилади. Бу билан Бобур садақатли дўсти ва моҳир жангчисини Хуросон ва Мовароуннаҳр, Яқин Шарқ ва Ҳиндистон вилоятларини забт эт-ган машҳур Султон Маҳмуд Ғазнавий ёнида мангу ором олишга лойиқ деб билади.

Камина етти йил хизмат вазифа-си билан Афғонистоннинг турли ви-лоятлари, жумладан, Ғазни шахри-да ҳам бўлганимда Султон Ғазнавий мақбараси зиёрати пайтида мақба-ра эшигининг ёнгинасида кичкина бир сағанага кўзим тушди. Бизга ҳамроҳлик қилаётган афгон қадим-шуносларидан бу кимнинг қабри, деб сўраганимда у: “Бобуршоҳ бир вақт-лар ўзининг бир аскарини олиб келиб шу ерда дафн этган экан, исмини билмадик” деган эди. Энди “Бобурнома”даги маълумот унинг оддий аскар, кейин Бобурнинг беги бўлган Дўстбек экани маълум бўлди. Бундай мисолларни “Бобурнома”дан кўплаб келтириш мумкин.

Захириддин Мухаммад Бобурнинг мустаҳкам давлат тузганининг асосий омилларидан бири халқ билан яқин-дан мулоқотда бўлиб, унинг ташвишу дарди, омадию омадсизлигини ўрганиб иш тутганида, эл-улуснинг мақсади, дарди ва армонларидан доимо хабардор бўлиб, давлатдорлик қилганидир.

Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари доктори,
профессор, Халқаро Бобур
мукофоти совриндори

Одамни тинглай билиш ҳам жуда катта одамгарчилик. У юрак ва онгнинг тарбияси-дан дарак беради.

Эзмаган билан, ўқимаган билан ёзувчининг мияси бир зум бўлсин фикрлашдан тўхтамайди. Ёзувчи қозғога ёзолмаса, миясига ёзади. Мия ёзувчида — тегиримон. У то сўнгги нафса-гача ишлайди.

Асқад Мухторни севар эдик. Унинг интел-лекти кўри атрофида бўлишга интилардик. Ҳеч ким ёшларга Асқад Мухторчалик дўст эмас, деб тушунардик. Унинг «99 миниатюра», «Сиз-га айтар сўзим» шеърий китобларини шеъри-ят мўъжизасидай ўзимиз билан олиб юрар-дик. Улар бизга риторикадан чиқиб ва кутулиш йўлини кўрсатаётгандек бўларди...

Тоғай Муродни ўқисангиз, одам дам-бадам тўлиб кетади. Йиғи. Завқ-шавқ. Илҳомга.

Тоғай Мурод бу — Тўполон дарё. Уни мен ду-недаги энг чиройли дарёлардан бири деб била-ман. Вой, бу дарёнинг шўхлиги! Вой, бу дарё-нинг ўзига одамни сифдирмаслиги! Бир кафт сув ололмайсиз! Бир зум оёғингизни роҳат тўлқини-га соломлашсиз. Қўймайди! Шитоб билан оқиқиб кетади. Чирпирак қилиб юборади. Лекин бутун Сурхон унинг боис гул-гул яшнайди, очилади, ти-риклик қўйганини айтиб ҳақ солади.

Ниагара Америка диёридаги шоирларни яратганми яратмаганми, айтолмайман. Лекин Тўполон дарё Сурхонда Тоғай Муродни ярат-ган. Унга ўз шаддод шоирлигидан улуг улуш отио этган. Мени бу икки улугвор ҳассослик доим хайратга солади. Бу икки дарё бўйида доим одамнинг бағри кенгайгандай, яйраган-дай, дунёнинг таҳлил этиб бўлмас сирларига ошно бўлгандай сезади одам ўзини.

Адаб — одамийликнинг ўзаги. Балки ода-мийликнинг бари бошдан охир адабдан ибор-ат. Адабнинг илғи эса — ҳаё. Илик қуриган ерда ҳаё бўлмайди. Ҳаёни ор-номус, ҳамяят, орият, шаън, уят сингари тушунчалар қатори-га қўямиз. Буларнинг бир-бирларидан сира ажратиб бўлмайдиган томонлари, жиҳатлари бўлганидек, жуда нозик маънавий ўзига хос-ликлари ҳам халқ ичида фарқ қилинади.

Уят — жуда қадимдан келаётган туркий ўза-бий сўз ва тушунча. У ёпиш, паналаш маъно-ларини англатади. Уй, уя — панажой, одам-нинг бошини, бошиниғина эмас, бутун вужуд борлигини оламнинг хавф-хатарли ҳаводис-ларидан муҳофаза қилади. Уят — туркийча, ҳаё — арабийча, шарм — форсийча келиб чиқиш-га эга. Руслар бу тушунчаларни «стид», «срам» сўзлари билан ифодалашади.

Айтгим келади: номусни дарахтдан ўрган-нинг! Қаранг, у ҳаёт шарбатлари юғурётган танасини қандай парда қобик билан ўрайди. Бир жойи кесилса, дарҳол шу кесилган ўрин-

ни қобик билан беркита бошлайди.

Табиятда ҳаё ҳукмрон. Яшаш зарурати шуни тақозо қилади.

Мендан муҳаббатнинг гузаллиги нимада? Унинг лаззатларидами? Унинг шахватларидами? Унинг хирсий интилишларидами? Лайлидай, Мажнундай сарсон-саргардонлиқларидами? Умидсиз тонгриқлиқларидами? — деб сўраса-лар, булар бари қалбга доир ва уларни ҳеч қачон инкор қилиб бўлмайди, дердим. Шунинг билан бирга муҳаббат булар билан гўзал эмас, балки баайни ҳаё билангина гўзал ҳамда ҳаммадан ортиқ лаззатли, деб жавоб берган бўлардим.

Иброҳим ҒАФУРОВ

УЛУҒ МАЪНАВИЙ НЕЪМАТ (Кўнгил битиклари)

дай эркинлик бўлиши мумкинми? Ахир, одам чегара ичида истиқомат қилади. Унинг хоҳиш-лари шу чегарадан ташқарига чиқиб кетолмай-ди. Ирода азалдан, олдиндан белгиланган кўн-дус ҳодиса деб айтадилар. Ирода эркинлиги тушунчаси «инсон эрки» тушунчаси билан ту-таш, қариндош. Қолаверса, ҳозирги замон-да инсоннинг яшаш ҳақ-ҳуқуқларидан — улар-нинг жамидан ирода рўёбга чиқади.

Умуминсоният иродаси инсониятни у қерда яшамасин, қерда туғилмасин, қайси ирққа ман-суб бўлмасин, бирлаштириб туради. Инсоният бошига хавф тушган кезларда бирлашади. Акс ҳолда инсоният фашизм вабоси ёхуд термояд-ро жалалари остида аллақачон йўқолиб кетган бўларди. Бу умуминсоният иродаси уруш офат-ларига қарши курашда, диний, миллий, ирқий терроризмнинг хавфини биргаликда бартараф эттиришда, табиат экосистемаларини омон сақлаш учун ҳаракатларни актуаллашувда, технологи-яларни ер юзи табиатида кечадиган чексиз жа-раёнларга оқилона мувофиқлаштиришга ури-нишларда тобора кучайиб кўзга ташланмокда. Табиат бугун инсониятдан ўзини сақлаш, муҳо-фаза этиш йўлида фаоллашувларни тобора катъият билан талаб қилмокда. Ё ҳаёт, ё ма-мот... Одамзод бундан келиб чиқадиган барча зиддиятчи қарама-қарши ҳодисаларнинг бири-ни танлашга мажбур.

Ирода эркинлиги улуг маънавий неъмат. Лекин ирода суствлиги бу туганмас қулфат, ҳасрат ва надоматлардир. Бориб турган хор-лик, қашшоқлик ҳам ирода суствлигидан, асло бошқа нарсадан ёки бошқанинг қилигидан эмас. Қарамлик, тобелик, қуллик каби сал-пал ўзини билган инсон асло тоқат қилолмайди-ган ўта аянчли ҳодисаларнинг битта қолмай ҳаммаси иродасизлик, суствлиқнинг эшигидан кўчага чиқиб тарқалади.

Айрим тоифа одамлар иродасиз яшаш —

онаси Эсан Давлатбе-гимнинг уруғидан бўлур эди. “Илигидин иш ке-лур” дедилар. Бир неча йилким менинг қошимда эди, ҳеч андоқ иши зоҳир бўлмадик деса бўлғай. Ярамас ахлоқ ва автор-лик киши эди. Бахил ва фитна, ва зумухт, ва му-нофиқ ва худдисанд ва қаттиқ сўзлик ва совуқ юзлик киши эди”. Бобур Али Дўст ҳақида подшоҳ сифатида ўзи ҳукм чиқа-риши мумкин бўлган ҳолда барча ақинларини чақириб, у тўғрисида фикрларни бўлиб, сўнгра мулоҳаза қилиб ўз фикри тўғри эка-нини англаб, бир хулосага келган.

Бобурнинг ҳамиша оддий аскарлар ҳақидаги қараш, уларга муносабати қарбий интизомнинг етук намунаси бўлган. Жангар, голиб черик(аскар-)ни тасвишлаш ва уни намуна сифа-тида кўрсатиш “Бобурнома” сюжети-нинг услубига айланган. Оддий аскар-нинг муҳораба майдонидаги жасора-

пассив ҳаёт кечиришни ўзларига қулай деб биладилар. Қорин ғамидан бошқани ҳатто ха-ёлга ҳам келтирмайдилар. Ўз иродаларини қул-чилик ва тобеликка бўшашиб берадилар. Бўйсун-ишда, иродасизликда беҳад ҳаловат, тинчлик, шўқгузгаронлик топайдилар. Албатта, тақдир, қазову қадар, пешанада борини кўриб, охи-р-қибат ҳисоб-китобдан ҳеч ким холи эмас.

Одам муҳаббатсиз яшай олмайди. Муҳаб-бат бўлмаса, ҳар қандай мол-дунё, обрў-эъти-бор татимайди. Ёш ўғиб муҳаббат ўлада, ўрнига иззат-икром келади, дейишади. Шундай бўли-ши мумкинми? Муҳаббат ўрнини иззат-икром боса оладими? Йўқ. Муҳаббат ўлиши мумкин, агар уни ўлдирсангиз. Муҳаббат яшнаши мум-кин, агар уни яшнатсангиз. Бу ноёб ҳодиса ин-соннинг ихтиёр-иродасига, ўзини нима-ларга ва қандай тайёрлаганига боғлиқ. Одам ўзида ўлмайдиган муҳаббатни тар-биялаган бўлса, бундай муҳаббат, билин-гчи, тўқсонда ҳам ўлмайди. Тўқсонда ҳам одам ёш йигитлардек ишқий ғазаллар ёзади, мўйқалами ўта ҳассос сувратлар чизади, одамзодни лол қиладиган ажиб-мусикалар яратади. Инсоният бунинг кўп ажо-йиб мисолларини билади.

Ватанпарварлик ва миллатпарварлик синга-ри эътиқодий ҳодисаларни ҳам фақат маъна-вият билан чамбарчас боғлаган ва ундан зар-рача айрилмаган ҳолдагина тушуниш, шунга яраша сазй-ҳаракатда бўлиш ҳар бир халқ учун чин мўъжизалар яратади. Маънавиятдан маҳ-рум ватанпарварлик ва миллатпарварлик ўз-ўзининг кўр-қўрона севишга, димоғдорлик-ка, такаббурликка олиб боради, аслини олган-да, такаббурликнинг жаҳолатдан сира фарқи йўқ, такаббурлик ҳам, жаҳолат ҳам, ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини менсимаслик, беписандлик ҳам — маънавиятсизликдан ҳосил бўлади.

Баъзан ҳаяжонларимни яширолмай қолган кезларим: агар ҳамма кунларимни бир ерга йиғсам, сенинг Ўзбекистон, лоақал бир сон-ияга бўлмас! — деб ҳайқиргим келади. Кўксимдан отилиб келаётган сўзлар, туйғулар-ни тўхтатолмайман: ЎЗБЕКИСТОН!

ТАН БЕРАМАН: СЕН ОТАСАН! ТАН БЕРА-МАН: СЕН ОНАСАН! ТАН БЕРАМАН: СЕН МУ-РАББИЙСАН!

Шавқларга тўлиб ёш боладай санасам, ўнсан. Барча яхшиликларда ёнимда ўнсан.

Менинг ҳаёт ва тириклик қовурғаларим се-нинг ўн қарфингдан бино бўлган, яъни:

У — ўзлигим, ўқтам забоним
З — зеби жаҳоним
Б — бағри кенг баланд осмоним
Е — етмиш минг асрнинг жонли садоси
К — кўзим қароси
И — иймон сафоси
С — сузугим
Т — тузугим
О — оромим жоним
Н — Нону тузим — ЎЗБЕКИСТОНИМ!
Сен ёлқиним, сен тўлқиним ва мени маъ-зур тутгайсан бу кўтаринки сўзларим учун.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

ЭЗГУЛИК ҚАРИМАЙДИ

Билимсизга тўрдан берилса ўрин,
Бу тўр пойгак турур, пойгак эса — тўр.
Донога тегса қар пойгакдан ўрин,
Бу пойгак тўрдан ҳам азизроқ бўлур.

Уқув кўрки тилдир, тилнинг кўрки — сўз,
Киши кўрки юздир, юзнинг кўрки — қўз.

Билимлига билги тугал тўн, ошдир,
Нодоннинг қилмиши ёвуз қўлдошдир.

Шўр сув янглиғ эрур дунёнинг моли,
Ичган билан қонмас, ҳўлланмас тили.

Кичикликда билса ўғил-қиз нени,
Қариб ўлмагунча унутмас уни.

Кичик эркан ўргат ўғилга билиг,
Кичикда билим олса, баланддир илиг.

Эзгулик қилавер, эй эзгу киши,
Эзгулик қаримас, мангудир ёши.

Хулқи яхшиларни барча халқ севар,
Хулқи тўғри бўлса, тўрга етишар.

Бу дунёдан бойлик тиласанг ўзинг,
Тўғри бўл, тўғрилиқ узра тут сўзинг.

Тангри берганини инсон йиқолмас,
Қаро ер, мовий кўк ўчлашганда ҳам.

Давлат оқиб келса, чопса омади,
Камсуқумлик билан беркласин уни.

Енгил, шошқалоқнинг бари қилмиши
Жаҳолатга бошлар унинг ҳар иши.

Барча ишда афзал босиқлик турур,
Фақат ибодатга шошилгин, югур.

Сўқ киши тўймагай, шудир аҳволи,
Кўзи суққа етмас дунёнинг моли.

Улугликка етса эҳтисиз киши,
Хожасин бошин ер, зил кетар иши.

Қайси бек суқ эрса, эрур ул гадои,
Қайси қул кўзи тўқ, бекдир, кўнгли бой.

Гадои қилса кимни кўзи суқлиги,
Бойита олмагай жаҳон тўқлиги.

Тугал бой бўлайин десанг шубҳасиз,
Кўнгил бойлигини тила, эй азиз.

Маҳмуд САЪДИЙ тайёрлади.

Самарқанд вилояти мусиқали драма театри навбатдаги мавсумини таниқли турк драматурги Тунжер Жюжен ўғлининг асари асосидаги "Кўчки" спектакли билан очганидан мухлисларнинг хабари бор. 2001 йилда ёзилган мазкур пьесага шу кунгача жаҳоннинг кўплаб режиссёрлари мурожаат қилишган. Бунинг сабабини муаллифнинг фикридан илгаш мумкин: "Шарқий Онадўлининг ҳамма ёғи тоғ билан ўралган бир қишлоғида маҳаллий аҳоли қаттиқ гапирмайди, бор овозда кулмайди, бошқача айтганда, озгина шовқинга ҳам йўл қўймайди. Чунки овоз тўлқинлари қор кўчиликларига сабаб бўлиши мумкин. Бундай вазиятнинг ўзига хослиги шундаки, кўчкининг кўчиши хавфи бир йилда тўққиз ойгача сақланиб туради. Одамлар фақат уч ойгина бақириб-чақиритилари, тўй қилишлари мумкин... Қолган вақтда эса овозларини баланд қилмай ҳаяжон ва ҳадиқда яшайди".



Ёзувчи шу сюжет асосида одамлар характерини драматургик шаклда баён этишга интилган.

Спектаклнинг постановкаси режиссёри Валижон Умаров олдида мазкур воқеанинг драматизминини қандай бадий ифода воситалари орқали беришдек му-

си ва туғилмаган фарзандидан жудо бўлишни истамайди. У оқсоқоллардан қарорини ўзгартиришни, раҳм қилишни сўрайди. Бироқ улар бир аёлни деб бутун қишлоқнинг йўқ бўлиб кетишини иштамайди. Эракк нима қилсин: рози бўлсинми ё аёлини ҳимоя қилсинми?!

ҚўРҚУВНИ ЕНГИШ САНЪАТИ

раккаб вазифа турарди. Муаллиф воқеалар шовқинсиз кечиши, персонажлар шивирлаб сўзлашиши, имо-ишоралардан фойдаланишлари, томошабин вазиятини ҳис қилиб туриши кераклигини уқтиради. Шубҳасиз, режиссёр муаллифнинг мақсад-муддасини тушунади, лекин унинг олдида томошабини зериктириб қўймаслик учун воқеаларни сахнада қандай акс эттириш лозим, деган масала турарди.

Спектакл сокин ҳолатдаги сахна манзараси билан бошланади. Саҳнанинг бетартиб ёритилгани эса хавотир, нотинчлик муҳитига ишора қилади. Ғира-ширада уйқусираган товушлар, эҳтиёткорона хатти-ҳаракат, элас-элас эшитилаётган овозлар бу хонадонда нимадир содир бўлишидан белги беради.

"Кўчки"нинг асосий қаҳрамонлари бир оила бўлиб яшаётган уч авлодга мансуб эракк ва аёллар. Хали кўчки хавотирли тугамай, келиннинг тугрук дарди бошланади. Жамоанинг удумига кўра бевақт тугаётган аёлнинг ва туғилажак чақалоқнинг қичқирити қўчига сабаб бўлмаслиги учун уларни тириклай қўмиш керак. Бу удумни хонадондагилар жуда яхши билишади. Тугрук бевақт бошланиши ким ўйлабди, дейсиз... Хуллас, оқсоқоллар аёлни ҳомиласи билан тириклай қўмишга қарор қилишади. Бироқ аёлни эри рафика-

Режиссёр муаллифнинг ушбу шарху изоҳига жиддий эътибор қаратади: "Кўчки — бу фақат табиат ҳодисаси эмас. Эҳтимол, бу онгимизда қўрқувнинг пайдо бўлишидир...". Демак, пьесадаги калит сўз — қўрқув. Мазкур ҳолатда ёш йигит ўзидagi қўрқув — қадрдонларини, севимли кишинини йўқотишдан қўрқиб билан курашади. Бу ерда муҳаббат қўрқувни енгилга қодирми, деган савол кўндаланг туради. Режиссёр эса айнан шу саволга жавоб топишга интилган.

Ёш аёлни қорнидаги бола билан оқ матога ўраш сахнаси асар кульминациясини ташкил этади. Хотинига куч ишлатилаётганига чидалмаган йигит қалтис қадам қўйишга мажбур бўлади. Қўлига қурол олиб, уни оқсоқолларга йўналтиради. Режиссёр аниқ мақсад билан вазият қарама-қаршилигини кучайтириш йўлидан боради. Бироқ қўтилмаганда вазият ўзгара бошлайди. Ўзидagi қўрқувни енгган қайнона кексаларни бир четга суриб ўтиб, келинни қўтқаришга киришади. Ҳамма нима бўлишни кутиб, жим қолади. Шу шароитда тўлғоқ бошланиб, қичқирганча чақалоқ дунёга келади. Бироқ ҳамма кутгандек кўчки қўзғалмайди. Одамлар сукутда қарахт бўлиб қолган. Аста-секин қишлоқ одамлари қанча йиллардан буён бекор қўрқув

Мулоҳаза

исканжасида яшаганларини англаб қолишади. Муҳаббат одамларда қўрқувни енгилга, ҳомилдор аёл ва унинг чақалоғини сақлаб қолишга ёрдам беради. Режиссёрнинг ушбу топилмаси томошабинларнинг персонажлар тақдирини тушунишига ва ҳамдард бўлишига замин яратади.

Актриса Шоҳсанам Облакулова ижросидаги уятчан, тортинчоқ келиннинг қишлоқ жамоасида амал қилинадиган одатга сўзсиз бўйсунуши, ҳимоясизлиги оғиз-лиги томошабиннинг унга меҳрини оширади. Унинг эри (актёр Ж.Муродов) эса мутлақо бошқача одам: у оилавий бахтига чанг солувчи ҳар қандай тажовузор кучга қарши туради, севган кишини эрдам беришга тайёр, мураккаб вазиятлардан қиқш йўлини излаб топишга қодир.

Сарвиноз Саитова ижросидаги қайнона образи қарама-қарши характерга эга. Дастлаб ўқувсизлиги боис келинидан даргазаб бўлса, кейинчалик аслида нима бўлаётганини тушуниб қолган, ўз норозилигини оқсоқолларга айтади. Лекин ҳамқишлоқлари келиннинг қай аҳволга солаётганларини кўрганида, бахтсиз аёлни бу азобдан қўтқаришга қарор қилади. Тобелик тамғаси, эски удумларга қарши туриш бемаънилик экани Гулбаҳор Мамедова қиёфасида акс этган кекса аёл образида ишонарли жонлантирилган. Бахрулло Раҳимов ижросидаги чол ҳам томошабин эътиборини тартади. Бошида унинг уйку аралаш айтган нотайин гап-сўзлари тушунарсиздек туюлади. Лекин воқеалар давомида аниқ бўлишча, у бир вақтлар турли қарашлардан келиб чиқиб ўз укасини ҳимоя қилмаган. Қўрқоқлиги туфайли қилган айби билан шу вақтгача яшаб келган. Эндилқда, қўрқувга қарши туриб, набираси томонга ўтади. Бу ҳаракати билан тобелик ва бўйсунувчанлиқни бартараф этмоқчи бўлади. Бир сўз билан айтганда, актёрлар ўзлари ижро этган роллар моҳиятини тушуниб томошабинга етказиш учун ҳаракат қилишган.

"Кўчки" спектакли, энг аввало, инсоннинг ўзидаги муҳим жиҳатлар ҳақида ўйлашга, шу билан бирга, томошабинни ахлоқий муаммолар, инсон тақдирини, ҳар бир одам ҳаётда ўз йўлини танлаши лозимлиги ҳақида мушоҳада юритишга қорлайди.

Муҳаббат ТўЛАХЎЖАЕВА,
санъатшунослик фанлари доктори

“СЕН МЕНИНГ ВАТАНИМСАН!”

Ўзбекистон мусиқа санъатининг етакчи намоёндаларидан бири, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Фарҳод Алимов серкирра ижодкор эди.

Композитор ижодида, айниқса, халқ чолғулари оркестри учун ёзилган асарлар муҳим ўрин тутди. Миллий маданият, халқ оҳанглари, ўзбек халқ чолғулари ўзига хос хусусиятларини мукаммал билгани боис бу йўналишда Ф.Алимов ижодий йўлини топа олди ва халқ чолғулари оркестри учун қатор сара асарлар яратди. "Тўёна", "Шодиёна", "Табриқнома", "Концерт", "Поэма" каби асарлари жозибали, умр ибрати ва ёрқин оҳанги, кўтаринки байрамона руҳи, енгил чолғулаштирилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Ф.Алимов халқона қуйлар басталаш билан бир қаторда, кўпгина ўзбек халқ қуйларини оркестр учун мослаштирди ва бу йўналишда юртини натижаларга эришти. "Сўғдиёна" ўзбек халқ чолғулари камер оркестри бадий раҳбари, дирижёр Феруза

Умр ибрати

Абдурахимова шундай дейди: "Фарҳод Алимов халқ қуйларини қайта ишлаш бўйича моҳир композитор эди. Оркестримизнинг шаклланиши ва ижро репертуари тақомиллаштиришга катта ҳисса қўшди. Жаҳон мусиқа намуналарини, чет эл композиторлари асарларини оркестр учун мослаштирди. Ориф Гармоннинг "Андихонча" қуйини, "Кўшчи-ўзбек ва ёрқин оҳанги, кўтаринки байрамона руҳи, енгил чолғулаштирилгани билан алоҳида ажралиб туради.

чанг ва оркестр учун қайта ишлади. Бундан ташқари, "Сен менинг Ватанимсан", "Севги фавворалари", "Нодирабегим" спектаклидан Нодира арииси, "Фигон куйи" асарларини оркестримиз муваффақиятли ижро этган".

— Фарҳод Алимовнинг бошқа ижодкорлардан алоҳида ажралиб турадиган бетакор оҳанг-

лари бор, — дейди таниқли композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ҳабибулла Раҳимов. — Бу, айниқса, «Юсуф ва Зулайхо», «Фотима ва Зухра», «Нодирабегим», «Девона», «Машраб», «Топталган туйғу» мусиқали драмалари, «Суперқайнона 1, 2», «Ўлдинг, азиз бўлдинг», «Сониқхўжа операция»



яси» комедияларида ёрқин намоён бўлди. Композитор яратган мусиқали драмалар қисқа давр ичида Муқимий номидаги мусиқали театр ихлосмандлари

нинг севимли асарларига айланди. Спектакллардан томошабинларнинг кети узилмас, ҳар бир томоша охирида зал тик туриб ижодкорларни олишларди. Фарҳод биринчи ўзбек видеофильмларида "Меҳробдан чаён", "Юсуф ва Зулайхо"га ҳам мусиқа басталади. Жаҳон адабиётига мурожаат этиб, Софоклнинг "Электра", В.Шекспирнинг "Кирол Лир", Ф.Дюрренматнинг "Бир эшак хангомаси", Пиронделанинг "Пайванд" спектаклларида ёзган сермазмун мусиқалари тингловчиларга манзур бўлди.

Ижодкорнинг 100дан ортиқ қўшиқ ва романслари, хор асарлари, болалар ва эстрада қўшиқлари ўз мухлисларига эга. "Сен қайдан биласан...", "Оху", "Ватан ишқи", "Меҳр гуллари", "Ўзбекистон баҳори", "Дўстлик мадҳияси", "Хайр, Самарқанд", "Бухорога қайтинг, лайлақлар", "Талабалик йилларим" ва бошқа қатор қўшиқлари халқ орасида кенг танилди. Мумтоз ва миллий эстрада йўналишида басталаган қўшиқлари Ўзбекистон халқ артистлари Коммуна Исмоилова, Фаррух Зокиров, Насиба

Муҳайё НАБИЕВА,
музыкашунос

билан ўтказилган маҳорат дарслари, ижодий суҳбатлар институт талабаларининг ижодий изланишлари учун катта рағбат бўлди. Актёрлик маҳорати, сахна нутқи фанлари етук профессорлар томонидан ўтилиши назарий ва амалий жиҳатдан талабаларнинг мавзуларини чуқур ва атрофлича ўзлаштиришига имкон бермоқда.

Умида БОЛТАБОВЕВА,
ўқитувчи

ФАРҒОНАДА БИТТАГИНА

Юртимизда миллий қадриятларимизни тиклаш, маданий-бадий аъёналарни тараққий эттириш, хусусан, театр санъатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қўқон шаҳрида Ўзбекистон давлат Санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиалининг очилиши маънавий тараққиётга давлат миқёсида эътибор қаратилаётганининг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон ва жаҳон

халқаро "Турксий" ташкилоти ҳамкорлигида Туркистон шаҳрида "Туркий халқлар амалий санъати фестивали" бўлиб ўтди. Тадбирда Қозғистон, Қирғизистон, Туркия ва Ўзбекистон амалий санъат усталари иштирок этди.


Уч кун давом этган фестиваль тадбирларида қатнашган Ўзбекистон вакилларида Хоразм вилояти "Жайхун" кўнгроч театри бадий раҳбари Мансур Қўрзов бошчилиги қилди. Ҳамюртларимиз ўзбек амалий санъатининг миниатюра рассомлиги, ёғоч ўймакорлиги ва миллий кўнгроч-

“ЖАЙХУН”, “ТУРКСОЙ” ВА ТУРКИСТОН

созлигини намоиш қилиб, кенг жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлишди. Кўргазманинг асосий экспозиция майдонида миллий қадриятларимизни, маданият ва санъатимизни акс эттирувчи ноёб миниатюра асарлари, сомондан ишланган 3D композициялари, ёғоч ўймакорлигининг лаҳз, қўчча, қаламдон, барқаш қўринишдаги намуналари, Ашшадароз, Качалполлов, Бичихон каби эртак қаҳрамонларининг кўнгроч қўринишлари фестиваль руҳиятини янада бойитди. Ўзбекистонлик ҳунармандлар туркий халқларнинг маданияти, санъати ва адабиётини ривожлантиришга хизмат қилувчи Турксий ташкилотининг маҳсул совғаси — Хожа Аҳмад Яссавий бобомизнинг муҳрали акс эттирилган алоҳида мукофотга сазовор бўлишди.

Тадбир давомида буюк боболаримиз қабрлари зиёрат қилинди. Ижодий учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатларида юртимизда олиб борилаётган ислохотлар, жумладан, маданият, санъат, амалий санъат бора-сида яратилаётган имтиёз ва ижодий муҳит ҳақидаги фикр-мулоҳазалар бошқа давлатлар ҳунармандлари томонидан ҳайрат билан қабул қилинди. Мазкур ижодий сафарнинг энг катта ютуғи келажакка мўлжалланган ижодий ҳамкорлик учун пойдевор яратилганидир.

МУСАВВИРНИ ҚУТҚАРГАН “БЎСА”



Фарб санъатидаги фовизм йўналишининг асосчиси, франциялик машҳур рассом Анри Матисс (1869-1954) фаолиятини адвокатликдан бошлаган. Парижда ҳуқуқшунослик факультетини битирган бўлажак мусаввир 1889 йили адвокатлик идорасига котиб бўлиб ишга қиради. Бироқ кўричак касалига чалингани боис узок вақт даволалишига тўғри келади. Ораси унга уйда зерикиб қолмаслиги учун бўёқ ва қорғоз олиб беради. Шу тарика Анри рангтасвир санъатига жуда қизиқиб қолади ва оила аъзоларининг норозилигига қарамай, соғайганидан кейин адвокатлик идорасидан кетиб, ҳаётини рассомлик билан боғлайди.

А.Матисс қаламига мансуб рангтасвир асарлари кенг шуҳрат қозонган бўлса-да, рассомнинг энг қimmat нархга баҳоланган иши картина эмас, балки "Аёл қомати" номли бронза ҳайкал ҳисобланади. Ушбу асар ҳозир дунёдаги ўнта энг қimmat ҳайкал

руйхатига киритилган. Ажаб-ланарли жиҳати шундаки, Матиссининг дастдохили ишлари айни вақтда энг қimmat рангтасвир асарлар элиқталигидан ҳам жой олмаган.

Модернизм асосчиларидан бири, австриялик рассом Густав Климтнинг (1862-1918) ижодий изланишлари XX аср бошларида жиддий танқидга учраган. Мусаввирнинг хиссиётга бой услубини веналик томошабинлар ошқора ахлоқсизлик сифатида баҳолашади. Вазият шу даражага бориб етдики, ҳатто рассомнинг ўзи ҳам ижодий қарашлари борасида шубҳалана бошлайди. Айнан шу мураккаб даврда Климт энг машҳур асари — "Бўса"ни яратади. У ўз услубига содиқ қолганига қарамай, картина

мухлису мутахассисларни ҳайратга солиб, Климтга муносабатини ижобий томонга ўзгартирган. Рассомнинг ўзи таъкидлаганидек, "Бўса" уни ижодий инқироздан қутқариб, қалбида келажакка ишонч уйғотган.

Г.Климт билан биринчи бор учрашган санъат ихлосмандларининг кўпчилиги унинг рассомлигига ишонишмаган. Чунки қишлоқлик деҳқонлар каби содда қиёфаси билан ажралиб турувчи бу одам шундай нафис картиналар яратиши мумкинлиги улар учун нотабиий туюлган. Аслида Климтнинг юксак истеъдоди уни ўз даврининг энг нозик мўйқалам соҳибларидан бирига айлантирди.

Импрессионизм оқимининг йирик вакили Клод Моне (1840-1926) "ёрун ранглар мусаввири" сифатида шуҳрат қозонган бўлса-да, ўз ижодини графикадан, яъни қарикатура чизмидан бошлаган. Ўн тўрт ёшли ўспирин йигит қоралаган ҳажвий асарларда замондошлари қиёфаси шу қадар ҳаққоний ва юморга бой руҳда тасвирланганки, буюртмачиларнинг кети узилмаган. К.Моне асарларининг илк намоиши ҳам айнан шу даврда бошланган.

“АНАХИТА МАЛИКАСИ” ЁХУД ХОРАЗМНИНГ ГАВҲАРОЙИ

Ўзбек миллий рақс санъати маликаси, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева 1970 йили Гавҳар Матёкубова ижросида "Хива лазгиси" рақсини кўриб: "Бу раққоса қандайдир илоҳий кучга эга, ахир, одам боласи ҳам шундай рақсга тушади", деб унинг пешонасидан ўпиб қўйган экан.

санъатимиз равнақига юксак ҳисса қўшди. Айниқса, Света Худойберганаева, Дилноза Ортиқова, Дилрабо Жуматова, Умида Авазметова, Садоқат Ниёзметова, Шахло Тўраева, Ойимхон Сабурова, Алия Липитова, Дилноза Абдиева каби ўнлаб истеъдодли шоғирдлари Хоразм рақс санъатининг бе-



Халқимиз улуг инсонларнинг назари, эътирофиди ҳикмат кўп, деб бежиз айтмайди. Ижодининг бошланғич палласида Мукаррамахоним томонидан айтилган самимий сўзлар ва тилаклар Гавҳархонимнинг кейинги ижодий парвозига дуо ўрнида ўтган бўлса ажабмас.

Зеро, шундан сўнг кечган салкам эллик йиллик ижодий фаолияти давомида Г.Матёкубова шаклланиш, ўсиш, мукаммаллик касб этиш пилла-полярини муваффақиятли бо-

такрор жилваларини мухлис-ларга бор бўй-басти билан намоиш этишмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган ижодий кеча устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти, бир сўз билан айтганда, рақс шоираси Гавҳар Матёкубова тавааллудининг 70 ва фаолиятининг 50 йиллигига бағишланди. Тадбир "Хоразм рақси" ансамблининг "Қайроқ"

Маҳорат мактаби

йўлини билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Б.Сайфуллаев устоз санъаткорнинг ўзбек миллий рақси ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида гапириб, унинг Хоразм вилоят Маданият бошқармаси Халқ иходиёти бўлими бошлиғи, "Хоразм рақси" ансамбли раҳбари, "Ўзбеконцерт" давлат муассасаси қошидаги Миллий рақс маркази фаоли сифатидаги хизматлари тўхталиб ўтди. Шунингдек, "Ўзбеконцерт" раҳбари О.Абдуқаҳҳоров, Миллий рақс ва хореография олий мактаби ректори Ш.Тўхтасимов, "Олтин мерос" жамғармаси раиси А.Каримов, Ўзбекистон халқ шоири О.Матжон ва бошқалар сўзга чиқиб, Г.Матёкубованинг санъаткор ва инсон сифатидаги фазилатлари хусусида гапиришди.

Концерт дастурида "Тумор", "Тошкент зеболари" ансамблилари, Олий рақс мактаби ўқувчилари, Гуласал Усмонова, Гулшоода Абдиева, Феруза Азатова, Шоҳрух Абдумуротов, Шерзод Кенжабоев, Дилором Мадрахимова, Тигран Абдуллаев ҳамда "Хоразм рақси" ансамбли ижросида бири-биридан гўзал рақслар мухлис-ларга тақдим этилди.

Г.УМАРОВА



НОН, НОВВОЙ ВА АДАБИЁТ

Бошланиши биринчи саҳифада.

— Адабиёт газетасига қизиқишнинг, аввало, адабиётга бўлган меҳрингиз билан боғлиқ, тўғрими?

— Ҳа, ёшлик чоғида шеърятга иштиёқим жуда баланд эди. Мактабни битирганимдан кейин ТошДўнинг филология факультетига ҳужжат топширдим. Жиддий тайёргарлик кўрганимга қарамай, ҳаяжон кўчилиқ қилиб имтиҳонлардан йўқолдим. Ўқишга кириш учун яна уриниб кўриш ниятим бор эди, аммо турмуш ташвишлари бунга имкон бермади. Шундай бўлса-да, адабиётга қизиқишим сўнмади. Оила, рўзгор югуртидан бўш вақтимда мумтоз шеърятни, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Навоий, Ғолибий, Машраб ижодини ўқишга ҳаракат қилдим. Кейинчалик замонавий ўзбек шеърятини билан ошно тутиниб, кўплаб самарқандлик шоирлар билан танишдим. Бу орада шеър ҳам машқ қилиб турдим. Дутор чертиб ёзган баъзи шеърларим газета ва журналларда босилиб чиққан. Лекин улар ҳақида гапириш мен учун нуқул. Яхшиси, ўзингиз ўқиб кўриб, баҳо беринг.

— Демак, китоб мутолааси, газетхонлик сизда адабиётга меҳрни мустаҳкамлаб, озиқлантириб турган. Уларнинг ҳаётингизда тутган ўрнига қандай баҳо берасиз?

— Бир нарсани аниқ биламанки, китоб ўқишга, айниқса, адабий нашрларга обуна бўлишга кимдир мажбур қилиш қийин. Бунга иштиёқ одамнинг кўнглида уйғониши керак. Масалан, мен новвойллик билан шуғулланаман, лекин бу адабиётни севишимга ҳалақит бермайди. Уйимда шахсий кутубхонам бор, газета таҳлавлари учун алоҳида хона ажратганман. Оила аъзоларим, фарзанду невараларим улардан тез-тез фойдаланишади, мен билан қўшилиб адабиёт газетасини ўқишни яхши кўришади.

Шуни айтиш керакки, вилоятимизда адабий нашрларга қизиқиш катта. Агар уларни матбуот дўконларидан ўз вақтида, атайин бюуртма қилмай, эркин сотиб олишнинг имкони бўлса, адабиёт ихлосмандлари сони янада ошиши аниқ. Чунки китобхонликка, баъдий ижодга қизиқиш газета муголаасидан бошланади. Қолаверса, ўзини зиёли деб билган ҳар бир одам, албатта, адабий нашрларга обуна бўлиши шарт, деб ўйлайман. Нон инсон танасини озиқлантирганидек, адабиёт ва санъат маънавиятимизга жон бағишлаб турувчи неъмат эканини унутмаслик лозим.

— Мелик ака, дутор чертиб ёзган шеърларингиздан бирини газетамизда берсак, нима дейсиз?

— Очиғи, адабиёт газетаси саҳифа-

ларида эълон қилинган устоз шоирларнинг кўп шеърларини ўқиб, катта сабоқ чиқарганман. Шунинг учун, илгари шеърларимни тахририятга олиб боришга тортинардим. Агар ижод пайтида менга ҳамиша ҳамроҳ дуторимга атаб ёзган шу шеъримни газета ўқувчиларига ҳавола қилишнинг илоҳи топилса, албатта, хурсанд бўламан.

Ғафлат уйқусидан уйғон, дуторим,
Бир наво айлагин, жўш урсин қоним.
Чаманзорини ташлаб кетганда баҳор —
Ғамгин дилим шод эт, ороми жоним!

Мунгли ноланг дарлга даво эмасму,
Булбул навосидан аъло эмасму,
Ўша олис йиллар, гўдак чоғимда —
Бешигимни тебратган раъно сенмасму?!

Учиб кетган турналар қайтиб келади,
Қалдирғочлар қўшнни айтиб келади.
“Оққан дарё оқади” деган ҳақ сўзни
Қўлогимга боболар айтиб келади.

Одамзотга кўрк берар гўзал табиат,
Гўзаллиқни асрамоқ — азалий одат.
Жондан азиз Ватанда ўсиб, улғайдим —
Ота-она, элу юртга қўйиб муҳаббат!

Ғафлат уйқусидан уйғон, дуторим,
Овозинг мунтазирман, ороми жоним!

Сухбатдош: А.ИМОМОВ

Дангасанинг эртаси кўп, эртаси,
Иш буюрсанг, қотар мудом энаси.

Ҳаётда ўз тасдиғин топмаган илм,
Бўлолмас ҳеч қачон керакли билим.

Ҳар тўғри кишининг сўзи ҳам тўғри,
Эгрининг дили ҳам ўзидек эгри.

Ақли одам-ла чиқсанг сафарга,
Йўлиқмасанг асло хавфу хатарга.

Бино қўйсанг ўзингга ҳалдан зиёд,
Бирин-кетин барча дўстлар бўлур ёт.

Тортинмагин асло сен,
Мадани марддан сўра,

Бу яхшидир ҳаётда
Калтақ егандан кўра.

Камтаринлик очса кўнгил қулфини,
Кибр бузар унинг нозик зулфини.

Абдулла ШОНОСИРОВ



1939 йили Тошкент вилоятида туғилган. Андижон давлат Тиббиёт институтида ўқиган. “Ой мўралар уялиб”, “Унутма”, “Борингга шукр” сингари китоблари чоп этилган. Устозинг ҳаётий тажрибаларга йўғрилган ҳикматлари, фалсафий мушоҳадаларга бой шеърлари ўқувчилар учун ўзига хос сабоқ вазифасини ўтайди.

ҲАЁТ ҲИКМАТЛАРИ

Шодлигидан яйраб турса гар аёл,
Борлиқ олам яшнаб, сойдан тўлади.
Самолан ҳавас-ла боқибон ҳилиб;
Бир лаҳзада тўлиб ойдаи тўлади.

Бир яхшига, бир ёмон,
Поисиз бўлмас сомон.
Қилдирмасанг топиламас
На чорая, на имкон.

Олтин олма дуо ол,
Дуо олтин эмасму?

Болдай бўлиб, ширин сўз,
Дилга малҳам бўлмасму?

Сабр тағи олтиндир,
Қаноатда ҳислат кўп.
Шоҳқалоқ бўлса кимдир,
Панд егай ҳаётда хўп.

Ўйлаб гапир, ўйлаб бос қалам,
Обруйингга етказма путур.
Таваккалга инониб ҳар дам,
Юрганларни пушмонлик кутур.

ДИЛКАШ ДЎСТ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шифокор ёзувчи Сафар Кокиловнинг “Оқ кўнгилли одамлар” китобига ёзувчининг қисса ва ҳикоялари, ҳажвий асарлари жамланган. Адиб “Қуруқ ҳавас”, “Нажот фаришталари”, “Ширин бу ҳаёт”, “Бахтли болалик”, “Боботот баёзи” сингари китоблари билан ўқувчиларга яхши таниш. Тўпламдан жой олган асарларда фидойи касб эгаси бўлган шифокорлар фаолияти қаламга олинган. Ҳаётий тажриба ва қузатувлар асосида ёзилган бу асарлар тилининг равлонлиги, қизиқарли воқеалари билан китобхонни зериктирмайди. Шунингдек, тўпламдаги ҳажвиялар ҳам нозик киноя ва серзавқ қониримларга бой. Бегубор кулгига йўғрилган “Эримни қўрқитиб қўйинг”, “Шошилинч қаҳир”, “Жонқобилнинг жони чиди” каби



ҳажвиялар халқона тилда ёзилгани билан ўқувчи эътиборини тортлади.

Ёзувчи “Сайланма”сининг тўртинчи жилдидан “Ҳамма ҳам яшашни истайди” номли романи ўрин олган. Асар бош қаҳрамони ҳаётда ноҳақлик ва адолатсизликлар буткул йўқолиб, ҳақиқат тантанасини орзу қиладиган беозор қалб эгаси. У умрини яхшилик қилиб ўтказишни истайди, одамларга эзгуликни соғиниб яшайди. Ҳаётий воқеалар асос қилиб олинган романда, шунингдек, даврининг муҳим ижтимоий муаммолари ҳам акс эттирилган.

Ёзувчи услубининг самимий ва равлонлиги, воқеа-ҳодисалар, қаҳрамонларнинг ҳаётийлиги билан мазкур китоб ўқувчиларнинг дилкаш ҳамроҳига айланишига ишонамиз.

Янги нашрлар

НЕКБИН ТҮЙҒУЛАР

Инсон ўз қалбининг томошасига бориб туриши керак. Бу томоша, бу сайр дунё томошасидан қизиқдир аслида. Шеърнинг кўнгли ерга инган найсонлардек қалбга кўчиши шу сайр поёнида кечади. Бу ҳолатда туйғуларнинг тонгда уйғонаётган болалардек уйғониши бор, хотираларнинг булутдек босиб келишлари бордир.

Шундай тарзга асир бўлган шоир юрак, эҳтимол,

Мен зўр шоир бўлмоқчи эдим,
(Тугён урган ўша ҳис қайда?)
Кечаси ой чўмлариди жим,
Юрагимдан бошланган сойда... —

дея қўйлаб юборса нежаб. Шоирнинг уй-ҳаёли туйғулар қирғонига умр кечиргани боисдан ҳам унинг ўзгаларники



каби ҳаёти биров бошқача кечади. Бунинг “Академнашр” (2017) нашриётида чоп этилган “Қўқисмадаги кўш” номли китобда жам бўлган шеърлардан илғай оласиз. Муаллиф сурхонларёлик камтар ва хоқор ижодкор, битикларида най чалаётган чўпон боладек бир мунислик жам бўлган шоир Исроил Шомировдир. Китобга жам бўлган шеърлар қалам соҳибининг некбин туйғулари, қалбдан сизиб қорозга тушган азиз хотираларининг назмлаги ифодасидир.

Китоб сўзбошисиде Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим “Шеърларида ҳақиқий шоирларга хос ҳазиллик, соғинч уфуриб турибди. Ёлғони йўқ. Қисмат ёзишлари шундоқ кўриниб турибди...” дея эътироф этади.

Ижодкорнинг нашрдан чиққан ушбу китоби ўқувчи кўнглида кечалган иккинчи умрини янада гўзал шаклда яшайди, деган ўйдамаз.

Ш.ЖУМАЕВ

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛ ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Баъдий академияси ҳамкор ташкилотлар билан бирга ўтказган I Тошкент халқаро амалий санъат фестивали ўз ишини якунлади.

Тадбирнинг тантанали ёпилиш маросимида сўзга чиққан Баъдий академия раиси А.Нуриддинов ва бошқалар жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлган ўзбек таъсирий ва амалий санъати мактабларининг анъаналарини сақлаш, давом эттириш, соҳада фаолият юритаётган истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга шарт-шароитлар яратиш ҳамда Баъдий академия фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлган мазкур фестивалда Озарбойжон, Буюк Британия, Эрон, Италия, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея, Қирғизистон, Қозоғистон, Қрим, Латвия, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Германия, Япония ҳамда юртимиз хунарманд усталари, ижодкорлар иштирок этишди. Намойиш учун икки юзга яқин энг сара ишлар танлаб олинди. Нафис санъатга доир ижодий нашрлар тақдимоти, модалар намоиши, миллий хунармандликнинг турли йўналишлари бўйича маҳорат сабоқлари, мусиқий кечалар, пойтахтимиздаги музейлар ва диққатга сазовор масканларга саёҳатлар анжумани

ман дастурининг ранг-баранглигини таъминлади.

Фестивалнинг ёпилиш тадбирида энг яхши ижодий ишлар муаллифларига, ўз ишларини тақдим этган хорижий иштирокчиларга Баъдий академиянинг махсус сертификат ва эс-далик совгалари топширилди.

“Ўзбекистон — Россия” Дўстлик жамяти таниқли композитор, актёр ва режиссёр

Владимир БАРАМИКОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

ХОМЙИ:
“МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ”
АКЦИЈАДОРАИК КОМПАНИЈАСИ

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг
телефонингиз орқали сканер қилинг.



**O'zbekiston
adabiyoti va san'ati**

Манзил: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91
Котибият — 233-49-93

Электрон манзил: uzas.gzt@mail.ru
Таъқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42

Санъат бўлими: 233-56-40
Назм ва наср бўлими: 233-58-60

Бош
муҳаррир
Сирожидин
САЙИД

Тахририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Масъул котиб — Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Ҳумоюн АҚБАРОВ
Саҳифаловчи — Зафар РЎЗИЕВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.55

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 26.11.2014 йил 0283-рақам
билан рўйхатга олинган. Адади — 3349. Буюртма Г — 1182. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Навр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ

ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ
ЭРКИН.

ISSN 2181-614X

